

(1861-йил - Хива - 1936-йил 14-май)

Хоразмда жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, ёш хиваликлар партиясининг асосчиси ва давлат арбоби бўлган П. Хожи Юсупов Хива шаҳрида савдогар оиласида тугилган. Эски мактабда таҳсил олгач, савдо ишлари билан шугулланган. У араб, форс, рус тилларини яхши билган. 1904-йили Туркия, Миср, Сурия мамлакатларида ва Макка шаҳрида бўлган. 1914-йили у жадидларнинг “сўл оқими”дан ажралиб чиққан ёш хиваликлар партиясини бошкарди. П. Юсупов 1917-йил 5-апрелда Хива хони Асфандиёрхонга такдим этилган давлат бошқарувида ислохотлар ўтказиш тўғрисидаги манифест муаллифларидан бири эди. Манифестга биноан 1917-йил 8-апрелда Хива хони ҳузурида мамлакатни янгича бошқариш учун Мажлис тузилади. П. Юсуповга Россия ҳукумати ва рус кўшинлари билан муносабатларни барқарорлаштириш вазифаси юклатилди. Бирок Асфандиёрхоннинг жадидларга қарши сиёсати натижасида Юсупов 1917-йил охиридан бошлаб 2 йил давомида Тошкентда мухожирликда яшади.

Турккомиссия мухожирликдаги ёш хиваликлар партиядан Хива хонлигини ағдариб Хоразмда советлар андозасидаги янги ҳукумат ташкил қилишни режалаштиради. 1918-йил бошида Тошкентда мухожир ёш хиваликлардан ташкил қилинган Комитет болшевиклар таъсирида эди.

Шу тариқа П. Юсупов куйидаги лавозимларда фаолият кўрсатган: болшевиклар таъсиридаги Ёш хиваликлар инкилобий кўмитаси раиси (1918-йил бошидан). Туркистон АССР Миллий ишлар халқ комиссарлигида Туркман шўбаси бошлиги (1919). Хива хонлиги ағдарилгач (1920-йил 1-феврал), янги ташкил қилинган Хоразм Халқ Совет Республикаси Нозирлар Шўрасининг биринчи раиси (1920-йил 27 апрел - 1921-йил 6 март).

Юсупов ХХСР ҳукумати раиси сифатида мустақил сиёсат юритиш ва Хоразм Республикасида демократик ислохотларни қарор топтириш учун интилан. Бирок Туркистон комиссияси (Турккомиссия) ва Туркистон фронти кўмондонлиги Полвонниёз Хожи Юсуповнинг бу сиёсатига қарши чиқиб, Хивада янги ҳукумат тўнтаришини амалга оширишган. Юсупов фаол сиёсий қурашдан воз кечганлиги учун кейинчалик болшевиклар томонидан афв қилинган ва ХХСРда турли лавозимларда хизмат қилган.